



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 28 » oktabr

№ 570

Toshkent sh.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” 2022 йил 3 августдаги ЎРҚ-786-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” 2022 йил 3 августдаги ЎРҚ-786-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Қонуни ўз кучини йўқотганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни хисоблаш тартиби;

жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш шартлари;

экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланадиган ҳақ миқдори;

жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йилда жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни суриштирув, тергов ва суд органларига ажратилган маблағлар доирасида ва 2024 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Мажкамасининг
2023 йил “28” октябрдаги 570сон қарорига
илова

**Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар,
таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни
ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларда иштирок этишга жалб қилинганда, уларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, у билан биргаликда ёки унинг ўрнига ишда иштирок этишга жалб этилган қонуний вакилига ушбу Низомга мувофиқ ҳақ тўлаб берилади.

Мазкур Низом қоидалари процессуал мажбуриятларни хизмат топшириги сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган эксперт, мутахассис ва таржимонга ўз вазифаларини бажарганлик учун ҳақ тўлашга ҳамда хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

иш – фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар;

ишга кўмаклашувчи шахслар – масъул органлар (mansabdar shahslari) томонидан ишда иштирок этишга жалб этилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар;

ишга кўмаклашувчи шахсларга ишда иштирок этишга жалб этилган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар (keyingi urinlarida — kundalik haражатлар) — ишга кўмаклашувчи шахслар ишда иштирок этаётган вақтда кунлик овқатланиш, жалб қилинган пайтидаги вазифаларни бажариш билан боғлиқ бошқа кундалик харажатлар (транспорт воситалари ва тураржой билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно);

масъул органлар (mansabdar shahslari) – ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (mansabdar shahs), терговга қадар текшируvни амалга ошируvчи орган, суриштируvчи, терговчи, прокурор ёки суд.

3. Масъул органлар (mansabdar shahslari) томонидан ишда иштирок этишга жалб этилган қўйидаги шахсларга ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳақ тўлаб берилади:

а) жабрланувчилар ва ишга кўмаклашувчи шахсларга:

уларнинг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги ҳудудларда ўтказиладиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жойига келиб-кетиш харажатлари;

туаржой билан боғлиқ харажатлари (мехмонхона ёки туаржой ижараси);

кундалик харажатлари;

б) эксперт, таржимон, мутахассисга ишда иштирок этишда ўз вазифаларини бажарганлиги учун, ушбу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;

в) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар ва уларнинг қонуний вакили, гувоҳлар ва холисларга ишда иштирок этишга уларни одатдаги машғулотидан қолдирилганлик (чалғитганлик) учун.

Агарда қонунчилик ҳужжатларида манфаатдор томонлар ўртасида шартнома тузилиши назарда тутилган бўлса, ишда иштирок этишга жалб этилганлик учун шартномада белгиланган миқдорда ва тартибида ҳақ тўлаб берилади.

4. Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларга тўланиши лозим бўлган харажатлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан қопланади:

фуқаролик, иқтисодий ҳамда маъмурий суд ишлари бўйича тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган тараф томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан киритилган маблағлар;

жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маҳсус ажратиладиган маблағлар;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича масъул органларнинг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари.

2-боб. Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш

5. Масъул органлар (мансадор шахслар) томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинган ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларга доимий яшаш ҳудудидан ташқаридаги процессуал ҳаракатлар ўтказиш жойига қуйидаги транспорт воситалари орқали келиб-кетиш бўйича йўл харажатлари қоплаб берилади:

а) умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати:

умумий фойдаланиладиган транспортнинг ишда кўмаклашувчи шахсга тегишли тасдиқловчи ҳужжатлари асосида.

Бунда “бизнес” (ҳаво йўллари транспорти) ва “VIP” (темир йўл транспорти) тарифидан арzon бўлган барча турлари бўйича чипта қиймати ҳамда “бизнес”

(хаво йўллари транспорти) ва “VIP” (темир йўл транспорти) тарифи бўйича чипта қийматининг 70 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилади;

б) транспортда йўловчиларни давлат томонидан мажбурий суғурталаш бўйича тўловлар;

в) тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, йўлда юриш хужжатларини олдиндан сотиш, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тўловлар;

г) йўл хужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида.

Бунда транспорт харажатларини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон хариталардан фойдаланган ҳолда масофаларни аниқлашга рухсат этилади.

6. Масъул органлар (mansabdar shaxslar) томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинган ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларнинг туаржой билан боғлиқ харажатларини бир кунлик қоплаш (мехмонхона ёки туаржой ижараси) миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваридан ошмаслиги лозим.

Туаржойда яшаганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида қопланади.

7. Мехмонхона хизматидан фойдаланганлик учун харажатлар куйидаги хужжатлар билан тасдиқланади:

мехмонхонада яшаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган яшаш харажатлари учун сарфланган маблағларни тасдиқловчи чек ёки қонунчилик хужжатларида белгиланган шаклдаги бошқа хужжат;

мехмонхонада яшаш билан боғлиқ хизматлардан фойдаланганлик учун нақд пул ёки тўлов карталари ёрдамида ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса чеки, агарда тўловлар касса аппаратисиз тўланган бўлса, тўловнинг бошқа шакллар орқали амалга оширилганлигини тасдиқловчи кирим ордери.

8. Туаржой ижарасидан фойдаланилганда, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган тартибда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган ижара шартномаси тақдим этилади.

9. Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларнинг яшаш жойига ҳар куни қайтиш имконияти мавжуд бўлса, уларга туаржойни ижарага олиш харажатлари ва кундалик харажатлар тўланмайди.

Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларнинг ишга жалб қилинган жойдан ўзининг доимий яшайдиган жойига ҳар куни қайтиши мумкинлиги масаласи масъул органлар (mansabdar shaxslar) томонидан масофанинг узоқлиги, транспорт алоқаси шароити, бажариладиган топшириқнинг туси, ходим учун дам олиш шароитларини яратиш каби ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

10. Масъул органлар (мансабдор шахслар) томонидан ишга жалб қилинган ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларнинг доимий яшаш жойидан ташқарида яшаш билан боғлиқ кундалик харажатлари учун ҳақ базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан қўйидаги коэффициентларда, жами 0,35 гача миқдорда тўланади:

овқатланиш (алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно) харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) тақдим этилганда – 0,25 гача миқдорда тўланади;

бошқа харажатлари учун – 0,10 миқдорида тўланади.

Бунда умумий овқатланиш обьектларида харидни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) тақдим этилади.

Умумий овқатланиш обьектларида харид амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчилар жалб қилинган даврнинг ҳар бир куни учун алоҳида-алоҳида расмийлаштирилади.

11. Доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар, гувоҳлар ва холисларга одатдаги машғулотларидан қолдирилганлиги (чалғитганлиги) учун тўлов миқдори амалда уларнинг сарфланган вақти ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Бунда тўловнинг аниқ миқдори белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори суммасини мазкур ойда мавжуд иш кунларига нисбатини мажбуриятлар бажарилган иш кунларига кўпайтириш орқали аниқланади.

3-боб. Экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланадиган ҳақ миқдори

12. Эксперт, мутахассис, таржимон томонидан бажарилган иш учун ҳақ манфаатдор томонлар ўртасида тузилган шартномалар ёки ушбу Низомда белгиланган миқдорда тўланади.

13. Эксперт ва мутахассисга масъул органлар (мансабдор шахслар) топшириғига кўра бажарган иши учун соатига базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,10 коэффициенти миқдорида ҳақ тўланади.

14. Таржимонга масъул органлар (мансабдор шахслар) топшириғига кўра бажарган иши учун тўланадиган ҳақ миқдори мазкур Низомга 1-иловада келтирилган жадвал асосида ҳисобланади.

15. Бир таржимон томонидан ҳар бир кўрсатилган хизмати учун алоҳида тўлов амалга оширилади.

4-боб. Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчиларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш тартиби

16. Ишга кўмаклашувчи шахслар ҳамда жабрланувчилар томонидан сарфланган харажатларни, бажарилган ишлар учун ҳақни ундириш учун тегишли талабгор шахс (унинг қонуний вакили) мазкур Низомга 2-иловага

мувофиқ ариза билан бир ой ичида тегишли масъул органларга (mansabdar shaxslarg'a) murojaaat qiladi. Arizagaga xarajatlar amalga oshirilganligini asoslovchi xujjatlar ilova qiliinadi.

17. Mazkur Nizomga muvofiq amalga oshiriladigan t'ulovlar mas'ul organlarning (mansabdar shaxslar ning) qarori eki ajrimi asosida 10 kundan kechiktiirmagan muddatda t'ulanadi.

Mas'ul organlarning (mansabdar shaxslar ning) qaroriga mazkur Nizomga 3-ilovaga muvofiq namunada ishga k'umaklashuvchi shaxslar hamda jabolanuvchilariga t'ulaniishi lozim boulgan mablaflar t'ugrisida ma'lumotnomasi ilova qiliinadi.

18. Mas'ul organlarning (mansabdar shaxslar ning) qaroriga (ajrimiga) va uning ilovasiga gerbli muhr k'uiyiladi.

Mas'ul organlarning (mansabdar shaxslar ning) qarori (ajrimi) уч кун ичида:

бюджет маблафлари hamda mas'ul organlarning budjetdan tashqari mablaflari xisobidan t'ulaniishi lozim boulgan xollarda – mas'ul organlarning molija-ik'tisosid b'ulinnmalariiga;

суднинг depozit xisobvarafiga oldindan utkazilgan mablaflar xisobidan t'ulaniishi lozim boulgan xollarda – суднинг vakolatli molija-ik'tisosid b'ulinnmalariiga yoboriladi.

Қарорнинг (ajrimning) bir nusxasi mablaflarни olishga haqli boulgan shahsga taqdim etiladi.

19. Mas'ul organlarning molija-ik'tisosid b'ulinnmalari budjet mablaflari xisobidan t'ulaniishi lozim boulgan t'ulovlarni bir ish kuni ichida tegishli ligiga k'ura Uzbekiston Respublikasi Ik'tisosidiёт va molija vazirligi xuzuridagi Faznachiлик xizmati k'umitasining xududiy b'ulinnmalariiga yoboradi.

Uzbekiston Respublikasi Ik'tisosidiёт va molija vazirligi xuzuridagi Faznachiлик xizmati k'umitasining xududiy b'ulinnmalari hamda vakolatli tashkilotlarining molija-ik'tisosid b'ulinnmalari tomonidan besh kundan muddatda arizada k'ursatilgan xisobraqamga pul utkazib beriladi.

5-боб. Якунловчи қоидалар

20. Uzbekiston Respublikasi Ik'tisosidiёт va molija vazirligi, tegishli mas'ul organlar (mansabdar shaxslar) mazkur Nizomda belgilangan talablariga riоя қilgan ҳolda, ishga k'umaklashuvchi shaxslar учун t'ulanadigan mablaflar ning uz vaqtida t'ulaniшини hamda samarali va ma'ksadli iishlatiliшини nazorat қiladi.

21. Ushbu Nizom talablarini k'ulлашда юзага keladigan nizolar konunchilik xujjatlariда belgilangan tartibda ҳal etiladi.

22. Ushbu Nizom talablarini buziшda aibdor boulgan shaxslar konunchilik xujjatlariда belgilangan tartibda javobgar b'uladi.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар,
мутахассислар, таржимонлар ва холисларга
тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Таржимонларга тўланадиган ҳақ миқдорлари

T/p	Таржима тури	Таржима тили	Тўлов миқдори (белгиланган базавий ҳисоблаши миқдорига нисбатан)
1.	Оғзаки таржиманинг бир соати учун	ўзбек, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, рус тиллари	0,025 коэффициент
		турк, форс тиллари	0,05 коэффициент
		инглиз, француз, немис, испан ва бошқа Европа давлатлари тиллари	0,075 коэффициент
		япон, корейс, хитой, араб, ҳинд, урду тиллари	0,15 коэффициент
2.	Ёзма таржима учун (1 800 босма белги)	ўзбек, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, рус тиллари	0,05 коэффициент
		турк, форс тиллари	0,075 коэффициент
		инглиз, француз, немис, испан ва бошқа Европа давлатлари тиллари	0,10 коэффициент
		япон, корейс, хитой, араб, ҳинд, урду тиллари	0,20 коэффициент
3.	Оғзаки таржиманинг бир соати ёки ёзма таржима учун (1 800 босма белги)	бошқа тиллар	0,25 коэффициент
4.	Сурдо (ишора) тили бўйича таржиманинг бир соати учун		0,15 коэффициент

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар,
мутахассислар, таржимонлар ва холисларга
тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Га
(ишни юритаётган ваколатли давлат органи раҳбари)

сон иш бўйича

(жабрланувчи, гувоҳ, таржимон, мутахассис ва бошк.)

сифатида иштирок этаётган

яшовчи

дан

(Ф.И.О.)

(тел.: _____)

АРИЗА

Мен мазкур иш бўйича сифатида иштирок
(жабрланувчи, гувоҳ, таржимон, мутахассис ва бошк.)

этганим муносабати билан зиммамдаги мажбуриятларни амалга ошириш учун:

1.

(процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, турар жойни ижарага олиш, суткалик сарфланган харажат пули;

2.

одатдаги машгулотдан қолдиргандик (чалғиттанлик); эксперт, таржимон, мутахассис сифатида амалга оширилган иш)

боғлиқ жами

билингвистика

(сумма)

сўм тўланиши лозим.

Шунга кўра мазкур иш бўйича мажбуриятларимни бажаришим
муносабати билан тўловларни тўлаб бериш бўйича қарор (ажрим)
чиқаришингизни ҳамда тўловни қуидаги ҳисобварағимга ўтказиб
беришингизни сўрайман:

(хисобварақ, тўлов карта рақами реквизитлари кўрсатилади)

Иловалар:

/ / /
(Ф.И.О.) (имзо) (санаси)

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар,
мутахассислар, таржимонлар ва холисларга
тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва холисга
тўланиши лозим бўлган маблағлар микдори тўғрисида
маълумотнома**

Иш кўриб чиқилган орган: _____

Ишни юритган масъул мансабдор шахснинг Ф.И.О.: _____

Иш рақами: _____

**I. Жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва холисга
тўланиши лозим бўлган маблағлар микдори**

т/р	Ф.И.О.	Сана	Транспорт харажати учун	Тураржой ижараси учун	Кундалик харажат учун	Жами (минг сўм)
1.						
2.						

**II. Эксперт, мутахассис ва таржимон томонидан бажарилган иши учун
тўланиши лозим бўлган маблағлар микдори**

т/р	Ф.И.О.	Сана	Таржимонлик учун (соам/босма белги)			Эксперт ва мутахасси слик учун (соам)	Жами (минг сўм)
			оғзаки	ёзма	сурдо		
1.							
2.							

**III. Доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчи (унинг қонуний вакили),
гувоҳ ва холиснинг одатдаги машғулотидан қолдирилганлик
(чалғитганлик) учун тўланиши лозим бўлган маблағлар микдори**

т/р	Ф.И.О.	Жалб қилинган кунлари	Жами ҳақ микдори (минг сўм)
1.			
2.			

(муҳр)

(ишни юритишига масъул шахс)

(имзо, Ф.И.О.)

